

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Ёркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожақеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҚИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAKAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ MASALALARI ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР MASALALARINI ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Баходир Босимович Тўйчибоев,
тарих фанлари номзоди,
Гулистон давлат университети доценти.
toychiboyevbahodir3@gmail.com

ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

For citation: Bahodir B. Tuychibaev, IN PARTICULAR ISSUES OF PRESERVATION AND USE OF STONE MONUMENTS. Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.147-153

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072225>

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимиз ҳудудида археологик ёдгорликларнинг сони сўнги йилларда кескин камайиб бормоқда. Қадимги қоятош сурат ёдгорликлари бошқа археологик ёдгорликлардан фарқли равишда ўзларининг хусусиятидан келиб чиқиб антропоген омиллар тасирида йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлган ёдгорликлар ҳисобланади. Қадимги қоятош суратлар табиатнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, уларни инсон таъсиридан сақлаш жуда мушкул масала ҳисобланади. Қоятош ва ғорлардаги қадимги тасвирлар очиқ осмон остидаги музей ҳисобланади. Шу сабабли уларни сақлаш ва кенг омма эътиборига мазмунли шаклда етказиш долзарб масала ҳисобланади.

Калит сўзлар: ибтидоий санъат, маънавий дунё, Франциядаги Нио ва Ласко, Испаниядаги Алтамир, Россия Федерациясидаги Капова, Игнатовский палеолит ғор қоятош тасвир ёдгорликлари, Невада штатидаги жойлашган Ред Рок каньйони, Зарауткамар, Сармишсой, очиқ осмон остидаги музей, қадимги қоятош сурат ёдгорликлари, петроглифлар, туризм, қоятош ёдгорликларни ҳужжатлаштирилиши, қоятош тасвир маълумотлар базаси, туристик қўлланмалар.

Бахадир Басимович Тўйчибаев,
кандидат исторических наук,
доцент Гулистанского государственного университета
toychiboyevbahodir3@gmail.com

О НЕКОТОРЫХ ВОПРОСАХ СОХРАНЕНИЯ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПАМЯТНИКОВ НАСКАЛЬНЫХ ИЗОБРАЖЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

Количество археологических памятников на территории нашей страны в последние годы резко сокращается. В отличие от других археологических памятников, древние наскальные рисунки под воздействием антропогенных факторов считаются подверженными высокому риску исчезновения. Древние наскальные рисунки – неотъемлемая часть природы,

и сохранить их от воздействия человека считается очень актуальным вопросом. Наскальные и пещерные изображения – это музей под открытым небом.

Ключевые слова: первобытное искусство, духовный мир, Нио и Ласко во Франции, Альтамир в Испании, Капова Игнатьевские памятники наскального искусства палеолита в Российской Федерации, Каньон Ред-Рок в Неваде, Зарауткамар, Сармишсой, музей под открытым небом, древние памятники наскального искусства, петроглифы, туризм, документация наскальных памятников, база данных наскальных изображений, туристические путеводители.

Bahodir B. Tuychibaev,
candidate of historical sciences,
associate professor of Gulistan State University
toychiboyevbahodir3@gmail.com

IN PARTICULAR ISSUES OF PRESERVATION AND USE OF STONE MONUMENTS

ABSTRACT

The number of archaeological monuments in the territory of our country has been decreasing sharply in recent years. Unlike other archeological monuments, ancient rock paintings are considered to be at high risk of disappearing under the influence of anthropogenic factors. Ancient rock paintings are an integral part of nature, and it is considered a very difficult issue to preserve them from human influence. Ancient rock and cave images are an open-air museum. That is why it is important to preserve them and bring them to the attention of the general public in a meaningful way.

Index Terms: primitive art, the spiritual world, Nio and Lascaux in France, Altamir in Spain, Kapova in the Russian Federation, Ignatevsky Paleolithic rock art monuments, Red Rock Canyon in Nevada, Zarautkamar, Sarmishsoy, open-air museum, ancient rock art monuments, petroglyphs, tourism, documentation of rock monuments, rock image database, tourist guides.

1.Долзарблиги:

Бугунги кунда дунёда тарихий манзиллар: шаҳар манзилгоҳлари, диний ва эътиқодий марказлар, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишга масаласига катта қизиқиш уйғонмоқда. Қўплаб сайёҳлик дастурлари ва йўналишларида қадимий манзилгоҳларни зиёрат қилиш марказий ўринларни эгаллайди. Айрим машҳур археологик марказлар очик осмон остидаги музейларга айлантирилмоқда.

Ибтидоий санъат - инсонни ўраб турган дунё ҳақидаги илк тасаввурларини акс эттириб, унинг билим ва кўникмаларини сақлаш ва кейинги авлодга қолдиришга хизмат қилади. Ибтидоий давр меҳнат фаолиятида тош қурол қанчалик муҳим ўрин тутган бўлса, санъат - ибтидоий одам маънавий дунёсининг шаклланишида шундай муҳим аҳамият касб этади. Инсониятнинг ҳали ёзув кашф қилинмаган даврида яратилган бу ёдгорликлар, қадимги давр одамларининг хўжалиги, диний дунёқарабини ифода қилувчи муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз ҳудудида сақланиб қолган археологик ёдгорликларнинг сони, Маданият вазирлигининг ахборотида кўра 2019 йилда 4308 та ни ташкил этган. Бу рақамни XX асрнинг 30-йилларида 14,5 минг, XX асрнинг 80-йиллари 7 минга яқин ёдгорликлар сони билан қиёсласак [1- 115 б]. 90 йилга яқин вақт ичида археологик ёдгорликларнинг 70% дан ортиғи йўқ бўлиб кетганлигини қайд этишга тўғри келади. Қадимги қоятош сурат ёдгорликлари бошқа археологик ёдгорликлардан фарқли равишда ўзларининг хусусиятидан келиб чиқиб антропоген омиллар тасирида йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлган ёдгорликлар ҳисобланади. Қадимги қоятош суратлар табиатнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, уларни инсон таъсиридан сақлаш жуда мушкул масала ҳисобланади. Уларни бошқа ёдгорликлардан топилган моддий ашёлар каби музей экспонатларига айлантириб бўлмайди. Қоятош ва ғорлардаги қадимги тасвирлар очик осмон остидаги музей ҳисобланади. Шу сабабли уларни сақлаш ва кенг омма

эътиборига мазмунли шаклда етказиш долзарб масала ҳисобланади. Сўнги йилларда тарихий ўтмишга қизиқиш ортиб бораётганлиги сабабли, тарихий манбаларни сақлаш ва кенг жамоатчилик эътиборига етказиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

2.Методлар:

Мақола умумэътироф этилган тарихий-таққослаш, тизимлаштириш, таҳлилий хулосалар каби усуллар асосида баён этилган бўлиб, унда қоятош ёдгорликларни сақлаш ва фойдаланиш масалалари хусусида фикр юритилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Узоқ вақтлар давомида археологлар амал қилиб келган ёзилмаган қоидалардан бири, қоятош ёдгорликлар жойлашган жойларни кенг жамоатчилик эътиборидан яшириб келиш бўлган. Лекин бу йўл ўзини оқламади. Тарихий ёдгорликларни оммадан яшириб бўлмайди. Қизиқувчи инсонлар доимо бундай ёдгорликларни қўришга интилиб келишган. Айниқса замонавий оммавий ахборот технологияларнинг ривожланиши, электрон энциклопедиялар, интернет тармоғидаги бошқа турли манбаларнинг пайдо бўлиши билан бу имконсиз бўлиб қолди. Ўзбекистонда жойлашган машҳур (Зарауткамар, Сармишсой) қоятош ёдгорликларига келсак, бу петроглифларнинг фотосуратлари ва уларнинг жойлашув ўрни ҳақидаги қўплаб маълумотларни махсус адабиётларда, туристик қўлланмаларда ва интернет манбаларида топиш мумкин.

Сўнги йилларда турли мамлакатларда қўплаб қоятош ва ғор санъати намуналари зиёрат масканларига айлантирилиб борилмоқда. Қоятош ёдгорликларни сақлаш ва музейлаштириш масаласида европалик мутахассислар катта тажрибага эга. Франциядаги Нио ва Ласко, Испаниядаги Алтамир палеолит ғор ёдгорликлари ташриф буюрувчилар учун очик. Россия Федерациясининг Бошқирдистон Республикаси Шулган-Таш қўриқхонасидаги Капова, Урал федерал округидаги Игнатовский ғорларидаги қоятош суратлари ҳам очик осмон остидаги музей сифатида туристик дастурларга киритилган.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида мезолитдан кеч ўрта асрларга қадар хронологик давомийликдаги 180 га яқин қоятош тасвир ёдгорликлари аниқланган. Ўзбекистон ҳудудида XX аср давомида машҳур қоятош санъат ёдгорликлари Зараутсая тасвирлари [2, 3, 4, 5] Суратлисой ва Охна қоятош ёдгорликлари (Олой тоғларининг шимолий ёнбағирларида,) [6 с.75-80], Хўжакент қоятош ёдгорликлари (ғарбий Тянь-Шан, Қоржонтоғ тоғининг жанубий шарқий ёнбағрида) [7 с.188], Сармишсой қоятош суратлари (ғарбий Тянь-Шан, Нурота тизмасига кирувчи Қоратоғ тизмасининг жанубий қисми) [9. с.17], Эшма қоятош суратлари (Олой тизмасининг шимолий ёнбағирлари, Қатрантоғнинг жанубий қисми), Янгиариқсой дараси қоятош суратлари (Қарантоғ чўққисининг шимолий ёнбағри) [12], Суратлисой [13], Варзик қоятош тасвирлари [14.с. 16. 15, с. 55-67], Қорқиясой ёдгорлиги (Қоржонтоғнинг жанубий ёнбағрида), Хўжакент ёдгорлиги (Чотқол дарасининг ғарбий ёнбағри), Сайхонсой ёдгорликлари (Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағирлари) [16], Оқсақолотасой ёдгорликлари (Нурота тизмасининг Оқтоқ ва Қоратоғ тармоқлари) [16] каби қўплаб ёдгорликлар аниқланиб ўрганилган.

Буларнинг ичида Зарауткамар ғори, Сармишсой петроглифлари, Хўжакент, Суратлисой, Қорақиясой, Букантау тасвирлари илмий жамоатчилик ўртасида машҳур ҳисобланади[8. с.173. 18].

Мутахассис археологилар учун қоятош ва ғор суратларини ўрганиш бирламчи масала ҳисобланади. Айрим мутахассислар қоятош сурат объектлари кенг жамоатчилик учун эмас, балки фақат фан учун керак деб ҳисоблайдилар. Албатта, бу ёдгорликларни махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганиш фан учун муҳим масала эканлиги шубҳасиз бўлиши билан бирга, уларни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади.

Қуйида биз эътиборимизни ушбу долзарб, қадимги қоятош ёдгорлик объектларини очик осмон остидаги музейларга айлантириш жараёнларига қаратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ёдгорликларни сақлашдаги уларнинг жойлашган ўрнини яшириш шаклидаги ёндошув натижасида, бебаҳо тарихий манбалар жойлашган жойларни зиёрат қилиш ишлари назоратсиз

ва ўз холига ташлаб кўйилган ҳолга келиб қолади. Шу билан бирга, тарихий обидаларни муҳофаза қилиш бўйича давлат тузилмалари қоятош тасвирлари хавсизлигини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини ҳис қилмайди ва конструктив чораларни кўрмайди. Бундай ҳолат дунё бўйича кўплаб қоятош ёдгорликларда кузатилади.

Қоятош ёдгорликлар очик осмон остидаги музейлар фаолиятининг тартибга солувчи ҳуқуқий базани шакллантириш зарур. Ҳуқуқий норматив базада очик осмон остидаги музейлардан фойдаланишнинг ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаши керак. Очик осмон остидаги музейларни ташкил қилишда ёдгорликлар ҳолатини баҳоловчи фаолият муҳим ўрин тутади. Бу жараёнда қоятош суратларни ҳолатини аниқлаш, уларни сақлаш учун зарур бўлган чораларни таклиф қилиш ваколатига эга бўлган малакалари мутахассислар томонидан олиб бориладиган техник тадқиқотлар муҳим ўрин тутади. Қоятош ёдгорликларнинг сақланиш ҳолатини назорат қилиш билан бир вақтда унга туташ ҳудудлар ҳолатини ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

Қоятош ва ғорлардаги қадимги тасвирларни очик осмон остидаги музейларга айлантириш масалалари катта молиявий ҳаражатлар ва махсус тадқиқотларни талаб қилади. Шу сабабли қоятош суратларни узоқ муддатлар давомида сақлаб қолиш масалаларини ечиш учун махсус комплекс дастурлар ишлаб чиқиши зарур.

Ёдгорликни ҳужжатлаштиришда, унинг батафсил тавсифини яратиш, ёдгорлик ҳақида умумий тушунча шаклланишига, ва ундаги даврий ўзгаришларни кузатиб бориш имконини берувчи маълумотлар базаси шакллантириш муҳим ўрин тутади. Бундай маълумотлар базасини шакллантириш учун биолог, геолог, реставратор каби махсус, тор доира ихтисосликлари иборат мутахассислар жамоаси жалб қилиниши зарур бўлади. Аммо ёдгорликнинг бошланғич тавсифи археолог мутахассислар томонидан шакллантирилади. Ёдгорликнинг умумий базасида унинг умумий тавсифи, қоятош ёдгорликка таъсир кўрсатувчи омиллар, яъни ёдгорлик сатҳининг лишайниклар ёки калцит қоплам билан қопланиши, унинг эрозияга, ёки антропоген тасирларга учраши каби ҳолатлар ҳақида маълумотлар берилиши керак.

Албатта одамларнинг оммавий ташрифи ёдгорликнинг ташқи ҳолатига ўз таъсирини кўрсатмаслиги мумкин эмас. Қоятошлар сатҳидаги жойлашган петроглифлар кўп ҳолларда куёш нурлари остида яхши кўринмайди ва шу сабабли улар турли омиллар натижасида зарар етказишдан ҳимоя қилинмаган. Табиийки петроглиф ёдгорликларни турли табиий ва антропоген таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг имкони йўқ. Шу сабабли уларни ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш чоралар кўрилиши зарур. Қоятош ёдгорликларни музейлаштириш масаласида ҳар бир ёдгорликка ўзига хос индивидуал ёндошув зарур. Яъни бирламчи масала ёдгорликларни ҳимоя қилиш масаласи туриши керак. Бу ишларнинг маълум қисмини археолог мутахассислар ёки очик осмон остидаги музей мутахассислари томонидан амалга оширилади. Аммо ёдгорликларлар билан бевосита ишлаш малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиши лозим.

Қоятош ёдгорликларни сақлаш жараёни билан боғлиқ ишларни қуйидаги босқичларга ажоратиш мумкин:

1 босқич: Қоятош ёдгорлиги тасвири туширилган объектини доимий назоратда тутиш. Масалан, музей ҳудудидини озодалигини сақлаш, горизонтал жойлашган қоятош ёдгорликлар сатҳини чанг ва тупроқлардан тозалаб туриш.

2 босқич: Қоятош ёдгорликка таъсир қилувчи ташқи омиллардан сақлаш. Яъни, қоятош ёдгорлик сатҳини тўсиб қолган ўсимликлар ва дарахт шохларини олиб ташлаш, қоятош сатҳига ёмғир, қор сувлари тушмаслигини ва оқар сув хавзалари зарар етказмаслигини назорат қилиш.

3 босқич: Қоятош тасвирларни қисман қайта тиклаш, уни дастлабки кўринишга қайтариш. Яъни, қоятош сатҳини қоплаган лишайниклардан тозалаш.

4 босқич: Қоятош тасвирларни қайта тиклаш. Бу босқичда ёдгорликка қисман етказилган талофат ёки бузилган тасвирларни қайта тиклаш ишлари амалга оширилади.

Қоятош ёдгорликларни сақлаш жараёни билан боғлиқ 3 ва 4 босқич ишлари малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиши зарур [17. С.179-180. 19].

Қадимги санъат ёдгорликларини очиқ осмон остидаги музейларга айлантиришдан, таълимий ва тижорий мақсадларда фойдаланиш ҳам мумкин. Тарихий ёдгорликлар атрофида яшовчи аҳолида, туристик инфраструктурани яратишда фаол иштирок этиб моддий аҳволини яхшилаш имконияти туғилади. Масаланинг илмий ва тижорий томонларидан ташқари, эстетик, маънавий ва диний омилларини ҳам эътиборга олиш лозим. Ҳар бир инсон бу ёдгорликлардан ўзи учун қизиқарли маълумотлар топиш ва қизиқтирган саволларга жавоб олишга ҳаракат қилади. Шу сабабли бу ёдгорликларга фақат илмий баҳо бериш билан чекланиб қолмасдан, ёдгорликларни ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб баҳолаш зарур.

Ёдгорликлар ҳақида маълумот берувчи маълумот тахтачаларини ўрнатиш, қадимги рассомларнинг асарларини тасодифий шикастланишдан ҳимоя қилишга ёрдам беради. Бошқа томондан, улар қаятош расмларга ортқча эътиборни жалб қилиб, уларга зарар етказишга сабаб бўлиши мумкин.

Объектнинг узоқ муддатлар давомида сақлаш бирламчи масала эканлигини ҳисобга олиб, айрим обидалар очиқ осмон остидаги музейга айлана олмаслиги ва жамоатчилик учун ёпиқ бўлиши мумкин. Бундай ёдгорликларга ҳажми кичик, ноқулай жойда жойлашган, қоятош тасвирлари мўрт, ноёб ёки диний қийматга эга ёдгорликларни киритиш мумкин. Бошқа ёдгорликлар маълум шартлар асосида жамоатчилик учун очиқ бўлиши мумкин.

Бу шартларнинг биринчиси, қоятош ёдгорликлар мукамал шаклда хужжатлаштирилиши ва ундаги ўзгаришлар доимий назорат қилиб борилиши бўлиши керак. Бугунги кунда моддий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ва сақлаш дастури, яъни ёдгорликлар ҳолатини доимий назоратда қилиш, атроф муҳитини тоза тутиш каби масалалар учун доимий мутахассис ходимларни жалб қилиш жаҳон тажрибаси ўз самарасини кўрсатган. Очиқ осмон остидаги музейларнинг тоза, озода ва ободонлаштирилганлиги ёдгорликларнинг қийматини янада оширади. Ёдгорликлар жойлашган ҳудудларининг чиқиндилардан тозаланмаслиги, қаровсизлиги, уларнинг аҳамиятли эмаслигини кўрсатиб, қоятош суратларнинг шикастланиши ёки йўқ қилинишига олиб келувчи ҳурматсиз муносабатни келтириб чиқаради.

Иккинчи шарт – ёдгорликларнинг ҳолати ва табиатидан келиб чиқиб қутилаётган туристик оқимларларнинг ташриф жадваллари тартибга солиниши керак. Ёдгорликларда кичик экскурсия гуруҳлари томонидан зиёрат қилиш ва улар учун яратилган махсус инфратузилма шакллантирилган бўлиши керак. Масалан, сайр қилиш учун махсус йўлақлар, объектларни томоша қилиш майдончалари қуриш, зиёратчиларни ёдгорликдан ажратиб турувчи махсус тўсиқлар ўрнатилиши зарур. Очиқ осмон остидаги музейларда ташриф буюрувчиларни рўйхатга олиш идоралари, йўл кўрсаткич белгилари, маълумотлар лавҳаларини ўрнатиш самарали ҳисобланади. Бунга мисол сифатида Америка Қўшма Штатларидаги миллий боғларни кўрсатиш мумкин. Бу ерларда қоятош ёдгорликларни пиёда, велосипедда, автомобил ёки квадроциклда юриб томоша қилиш мумкин. Бундай боғларда ташриф буюрувчилар ёдгорликларни махсус жойлардан туриб кузатиш имкониятлари, ҳатто имконияти чекланган одамларнинг ёдгорликларга яқин бориб кузатиш учун шароитлар ҳам яратилган. Бундай шароитлар ташкил қилинга очиқ осмон остидаги музейга ёрқин мисол сифатида, Невада штатидаги жойлашган Ред Рок каньйони миллий боғларидаги қоятош расмларни кўрсатиш мумкин.

Учинчи шарт - очиқ осмон остидаги музейлардаги ҳар қандай ташриф дастурида тушунтирувчи ва маълумот берувчи таълимий компонент бўлиши шарт. Шуни ҳисобга олиш керак ки, зиёратчиларга бу ёдгорликлар ҳақида маълумотларни қандай тақдим қилиниши ва тасаввур уйғотилиши, ташриф буюрувчиларнинг ҳатти ҳаракатларини белгилаб беради. Одамлар маъносини тушунган нарсаларни қадрлашади ва уларга ҳурмат билан қарашади. Кўпгина қадимги қоятош суратларнинг моҳияти ҳатто мутахассислар учун ҳам мавҳум бўлсада, бугунги кунда ҳар қандай қоятош тасвир объектини талқин қилиш мумкин бўлган маълумотлар базаси мавжуд. Ёдгорлик ҳақида тўлиқ маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам, аллақачон маҳаллий ўлкашунослик ва этнографик маълумотлар асосида шаклланган

тушунчалар негизида маълумотлар базасини яратиш, бунда мавжуд археологик контекслардан фойдаланиш мумкин. Қоятош расмларнинг келиб чиқиши ва талкини ҳақидаги илмий фаразларни тақдим этишдан ташқари, маҳаллий эртақ ва афсоналардан ҳам фойдаланиш мумкин. Буларнинг барчаси биргаликда ўлка тарихини тушунишга ва ўтмишнинг сирли қарига шўнғиш имконини беради [17. С.179-180. 20].

Қоятош суратлар ва ёдгорлик ҳақидаги асосий билимлар минтақавий туристик қўлланмаларда берилиши мумкин. Бу зиёратчилар ташрифига олдиндан таёрланиш имконини беради. Бу ташриф буюрувчилар нимани кўриши, ёдгорлик қандай маълумотлар бериши, қадимги тасвирлар ҳақида умумий билимлар шакллантиришга ёрдам беради. Европадаги очик осмон остидаги музейларида ташриф буюрувчиларни турли тилларда таёрланган аудио қўлланмалар билан таъминлаш амалиёти ўз самарасини кўрсатди. Бу сайёҳга ўзи учун қулай вақтда ёдгорликни мустақил кўздан кечириш, ёки уни қизиқтирган айрим тасвирларга қўпроқ вақт сарфлаш ва мустақил саёҳат қилиш имконини беради.

Туристлар томонидан қоятош тасвир объекти ёдгорликларига саёҳат қилишнинг ижобий ва салбий оқибатлари бўлиши мумкин. Бир томондан, ташриф буюрувчилар оқими уларнинг ҳолатига салбий таъсир қилади. Бироқ бошқа томондан, жамоатчиликнинг қоятош расмларга бўлган қизиқиши, улар билан боғлиқ муаммоларга, яъни масъул ташкилотларнинг бу объектларда ҳеч қандай иш олиб бормаслик амалиётига чек қўяди ва эътибор қаратишга олиб келади.

4. Хулосалар:

Бугунги кунда туризм соҳаси олиб келиши мумкин бўлган даромаднинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Баъзи ҳудудларда бундай даромад жуда катта бўлиши мумкин. Эртами-кечми қоятош тасвир ёдгорликларининг туристик дастурларга киритилиши муқаррардир. Шу сабабли, мазкур ташрифларни ушбу ноёб ёдгорликларни сақлаш билан уйғун бўлган йўлларини топиш ҳозирги кундаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Баъзида тижорий ёки нотижорий асосда ташкил қилинган саёҳат турларини ташкил қилиниши, бу ноёб ёдгорликларни узоқ муддат давомида сақлаб қолиш усулларида бири бўлиши мумкин. Айниқса ҳозирга қадар айрим ноёб ёдгорликларнинг омма томонидан тартибсиз ва назоратсиз зиёрат қилинаётганлигини эътиборга олсак, бу масала жуда долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Сулаймонов Р. Археология мероси ва фани ҳақида баъзи мулоҳазалар. “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маҳаллий археологик материалларнинг роли” мавзuidaги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Гулистон, 2021.- 115 б.
2. Рогинская. А. Зараут-сай. М.- Л., 1950.,
3. Формозов А. А. Книга о древней наскальной живописи в Узбекистане.-СЭ, М., 1951.,
4. Формозов А. А. О наскальных изображениях Зараут-Камара в ущелье Зараут-сай. – СА, №4, 1966.,
5. Формозов А. А. Очерки по первобытному искусству. М., 1969.
6. Воронец М. Э. Наскальные изображения Южной Киргизии. – ТКиргГПИ сер. ист. вып. №2. 1950. с.75-80.
7. Алпысбаев Х. Новые наскальные изображения Бостандыкского района. – ТИИАЭ АН Каз. Т. 1. 1956. с.188.,
8. Хужаназаров М. М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракияся. Самарканд, 1995. с.173.
9. Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоятошлар расмлари. Тошкент, 1976. с.17.
10. Lasota-Maskalewska, Hudjnazarov, 2000, p.92.
11. Хужаназаров, 2001, с.24-30.

12. Хужаназаров М.М. Наскальные изображения Северо-Восточного Узбекистана. Диссертации на соиск. уч. степени к.и.н. Ленинград, 1985.
13. Tashbayeva K., Khujanazarov M., Ranov V., Samashev Z. Petroglyphs of Central Asia. – Bishkek, 2001.
14. Баратов С. Р. Культура скотоводов северной Ферганы в древности раннем средневековье (по материалам курумов и мугханы). Автореферат дисс. канд. истор. наук. Самарканд. 1991.с. 16.
15. Хужаназаров М. Наскальные вопросы периодизации и сюжетно-стилистического анализа наскальных рисунков Варзика. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, №30. Самарканд, 1999, с. 55-67.
16. Хужаназаров М. М. Памятники Узбекистана // Памятники наскального искусства Центральной Азии. Общественное участие, менеджмент, консервация, документация. Алматы. 2004.
17. Дубровский Д.К., Грачёв В.Ю. Уральские писаницы в мировом наскальном искусстве Екатеринбург 2011 г. С.179-180.
18. Туйчибоев, Б. (2022). Қоятош суратларини ўрганиш ва сақлашда рақамли технологияларнинг ўрни. Значение цифровых технологий в изучении истории Узбекистана, 1(01), 19-24.
19. Туйчибаев, Б. Б. (2022). ПЕТРОГЛИФЛАРНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-2).
20. Bosimovich, T. B. (2022). ON METHODS OF DOCUMENTING ROCK PICTURES. Innovative Technologica: Methodical Research Journal, 3(11), 51-59. (Qoyatosh rasmlarini hujjatlash usullari haqida)
21. Tuychiboev, B. B. (2021). THE ERA OF INITIAL IRON AGE MATERIAL CULTURE IN THE MID-SYRDARYA. Bulletin of Gulistan State University, 2021(2), 79-86. (O'rta Sirdaryoda havzasi hududi ilk TEMIR davri moddiy madaniyati)

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000